

1. Бир бош бўлакли гаплар бўйича назарий маълумот.
2. Эски ўзбек тилида бир бош бўлакли гапларнинг қўлланилиши.

Бир бош бўлакли гаплар икки бош бўлакли гаплардан кўра нуткий тежамли синтактик тузилмадир. Бундай гаплар бирон ходиса ёки ўта ахамиятли бўлган ахборот (харакат, холат, белги, предмет ва ходисалар)ни актуаллаштиради. Бу эса икки бош бўлакли гаплар сингари таркибий ва маъно хусусиятларни ифода қилишда тилда тенг хизмат қила олишини кўрсатади.

Туркий тилшуносликда ҳам бир бош бўлакли гаплар тил тараккиётининг барча даврларига хос бўлган синтактик ходисадир. Бунга туркий халкларнинг энг қадимги ёдгорлиги бўлган «Кул тигин» битигтошидан қўплаб мисол келтириш мумкин: «... илгўрм қўн тогсикка, биргўрм қўн ортусынгару, қурыгару қўн батысыҗа, йыргару тун ортусынгару, анта ичрўки будуны қоп м(анча кўрм, анча) будун қон этдим». Бундай гаплар ёдгорликларда қўп учрайди.

Бир бош бўлакли гаплар туркий тилшуносликда анча муқаммал тадқиқ қилинган, лекин уларнинг ички таснифида ҳар хилликлар учрайди. В.Н.Хангельдин бир бош бўлакли гапларни эғали гап, эғасиз гап, инфинитив гап, предикативли гап, атов гап, сўз–гап каби турларга ажратса (Хангельдин В.Н., 1959), М.З.Закиев бир бош бўлакли гаплар бош бўлагининг қайси сўз туркуми билан ифодаланишига қараб феълли, отли ва сўз – гапларга ажратади (Закиев М.З., 1963, 39-52). И.Жакипов эса эғасиз гап, эғасиз шахсли гап, шахси ноаниқ эғасиз гап, шахси умумлашган эғасиз гап каби турларга ажратади (Жакипов И., 1959, 246), лекин қозоқ тилшунослари бир бош бўлакли гаплар сирасида шахси аниқ гапни санаб ўтмайдилар ва шахси ноаниқ гап ҳамда шахсиз гапларнигина қайд қиладилар, шунингдек, атов гап, ундов гап типларини бир бош бўлакли гап сифатида қарамайдилар (Қаранг: Қозоқ тилининг грамматикаси, 1967, 126).

Ўзбек тилшунослигида ҳам Г.Абдурахмонов, А.Гуломов, Аскарлова М., А.Сафоев, А.Х.Сулаймонов, С.Усмонов, Э.Шодмонов, Б.Ўринбоев, Х.Гофуров, И.Расуловларнинг тадқиқотларида бир бош бўлакли гаплар ва уларнинг назарий асослари ёритиб берилган. Айниқса, И.Расулов бир бош бўлакли гапларни шаклий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб берган.

Эски ўзбек тилида ҳам бир бош бўлакли гапларнинг қуйидаги турлари қўлланган: Шахси аниқ гаплар. Маълумки, шахси аниқ гапларнинг қисими орқали унинг грамматик эғасини тиклаш мумкин. Қесим орқали эғанинг қайси шахс ва сонда эканлиги аниқ қўринади. Баъзи адабиётларда бундай гаплар қесим орқали эға англашилиб турганлиги учун икки составли гапларга, баъзи адабиётларда эса тўлиқсиз гапларга ҳам киритилади. Лекин аксарият адабиётларда шахси аниқ гаплар сифатида эътироф этилади. Г.Абдурахмонов ҳам бу тип гапларни бир бош бўлакли гапларнинг бир тури сифатида қарамайди (Абдурахмонов Г., 1996).

Аксарият адабиётларда шахси аниқ гапларнинг қисими биринчи ва иккинчи шахс шаклида бўлади, учинчи шахс шаклидаги қесимлар эса шахси номаълум гапларга хос дейилади. А.Гуломов шундай ёзади: «шахси аниқ бир составли гап учун қесимнинг биринчи ва иккинчи шахс формасида қелиши қўп учрайди» (Гуломов А., Аскарлова М., 1987, 135).

Маълумки, биринчи, иккинчи ва учинчи шахс олмошлари ўз маъноси билан бир-бирдан

фарк килади. Биринчи ва иккинчи шахс олмошлари инсонни кўзда тутуди, учинчи шахс олмоши эса конкрет учинчи шахсдан ташкари, ҳар қандай шахс ёки предметни ифода қилиши маълум. Шундай экан, учинчи шахс олмоши конкрет шахсни ифодалаганда, биринчи, иккинчи шахс олмошлари билан умумийликка эга бўлади. Бу вазифада у олмоши мен, сен олмошлари сирасида қаралиши лозим. Шу маънода у олмошининг гапда қўлланмаслиги мен, сен олмошларининг қўлланмаслиги каби синтактик норма бўлади. Шунинг учун бу тип гаплар эски ўзбек тилида:

I шахсда ҳам: Икки қўндин со|ра йана алар хизматыга йеттим (Навоий, ХМ 57). Ул хазрат кашыда астагына оқудум (Навоий, ХМ 18). Барур кишидин ул газалга татабуъ қылыб, нāма йибўриб эрдим (Навоий, ХМ 32).

II шахсда ҳам: Хабар болгунча салāматлыг билў азимат қылыб эрмиш-сиз (Навоий, МШ 114). Ахбāб, йигитликни ганимат туту|уз (Навоий, МК 81).

III шахсда ҳам: Ва султāни саҳибкирāн астāнасыда болур эрди (Навоий, МН 26). ХХўжжи мубāрак сафарыга барыб, сайр расми билў Хинд сары мутаважжих болды (Навоий, МН 12) кенг қўлланган.

Шахси номаълум гаплар. Бундай гапларнинг кесими учинчи шахс кўпликда ифодалангани. Бу жихатдан улар кўплик шаклидаги шахси аниқ гаплар билан синонимияни ҳосил қилади. Мисоллар: Ва пādшāхāна жашн тўзуб, азим ашлар бериб, хатм кāидасын бажā келтўрдилўр (Навоий, ХПМ 87). Йана бир катла ушбу навъ мадрасада ҳам бу китъани айтыб эрдилўр (КМ 21). Бу гап шахси аниқ гап, чунки матнда аниқ шахс (Пахлавон Махмуд) ҳақида сўз кетмоқда. Шунга қарамай, шакл ва мазмун жихатдан шахси аниқ гаплар билан айнан хусусиятга эга бўлган шахси номаълум гаплар учрайди: Бу жихаттин аны Зул-Ақтāф дедилўр (ТМА 214). Гāйат йумшаг с|злигининг аны Йаздижурди Нарм дедилўр (ТМА 221).

Шахси номаълум гапларнинг кесими феълнинг –р(-ар,-ўр,-ур,-ур) кўшимчали сифатдош шаклидан ҳосил қилинган ва аксарият гапларда кесим вазифасида дерлўр, айтурлар феъллари катнашган: Ва қымызны вў сўзмўни вў бозаны туркчў айтурлар (МЛ 16). Вў к|кўлтўшни туркчў тил билў дерлўр (МЛ 15).

Шахси умумлашган гаплар. Бундай гаплар мазмунан ҳар учала шахсга тааллуқли бўлиши барча адабиётларда айтилади. Бундай гаплар иккинчи шахс бирликда қўлланилиши билан характерланади: Мувўшших хабарны чиндур деб достга йетқўрмў вў биравны| айбы вакеъ болса, йўзигў (Навоий, МК). Қыла алганча таъзим вў адаб бинасын йўкма, вў хурмат хилватыдын чўкма (Навоий, МК).

Шахссиз гаплар. Бундай гапларда ифодаланган иш-ҳаракат ёки бирор ҳолат бажарувчининг фаол иштирокисиз юзага чиқади. Бундай гапларда эга грамматик жихатдан ифодаланмайди; шахси номаълум ёки шахси умумлашган гаплардан фарқланган ҳолда бундай гапларнинг эгаларини тиклаб ҳам бўлмайди. Бундай гапларнинг кесимлари мажҳул феъллар, мажҳул феъл маъносида қўлланган аниқ феъллар воситасида ифодалангани (Абдурахмонов Г., кўрсатилган асар, 24-бет). Мисоллар: Вў шавк йўзидин баштын кадам қылыб, Каъбаи максуд азмыга кадам урулды (МШ 97). Барча салāхийатын ушбу муаммāсыдын ихсāс қылса болур (МН 95).

Шахссиз гапларнинг кесими –мак/-мўк формали ҳаракат номи билан ҳам ифодаланиши мумкин: Ул кишини қутлук эвдин ташкари сўрмўк керўк (МК).

Атов гаплар. Эски ўзбек тилида атов гапларнинг қўлланиш доираси чекланган. Улар, асосан, бадий ва дидактик асарлар тилида қўлланиб, асар сарлавҳаларини ташкил этган: Мухаммад ХоҒа бег сифаты (Мухаббатнома). Хикāйат. Шэър.(КР).

Хозирги ўзбек тилида атов гапларнинг турли типлари келиб чиқди ва қўлланиш доираси кенгайди.

Савол ва топшириқлар:

1. Шахси аник гапларни мисоллар асосида тушунтириб беринг.
2. Шахси аник гаплар билан шахси номаълум гапларнинг кандай фаркли томонлари бор?
3. Шахссиз гапларга хос бўлган хусусиятлар нима?